

**ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ДЕМОКРАТИК ИСЛОХОТЛАР
БИЛАН УЙЎНЛИГИ****Қодиров Н.Н. *****РЕЗЮМЕ**

Мақолода ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишнинг демократик ислохотлар, тарихий тараққиёт билан уйғунлигининг долзарб масалалари тадқиқ қилинган. Муаллиф ёшларнинг демократик ислохотлардаги иштирокини, уларни моддий ва маънавий ҳимоялаш тизими билан боғлиқ ҳолда ўрганган. Мустақиллик даврида ёшларнинг ижтимоий, иқтисодий тараққиётидаги, мамлакатни модернизациялаш жараёнларидаги ўрни, фуқоралик жамияти ривожланиши нуқтаи назаридан ёритилган.

Калим сўзлар: мустақиллик, ёшлар, ислохот, ижтимоий фаоллик, фуқоралик жамияти, ҳуқуқ, иқтисод, тараққиёт.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб мамлакатимизда ёшларнинг ижтимоий, иқтисодий тараққиётдаги ўрнига алоҳида эътибор берилди. Шунинг учун ҳам олиб борилган демократик ислохотлар кесимида ёшларнинг фаол иштирокини таъминлашнинг ҳуқуқий, ташкилий асослари яратилди, ёшларнинг барча жабҳалар тараққиётидаги фаоллиги таъминлашга ёрдам беришга қаратилган ишлар амалга оширилди. Ёшларнинг демократик ислохотлардаги фаолиятига эътибор уларнинг демократик жамият ижтимоий тизимидаги муҳим ўрни, фуқоралик жамияти ривожланиши шароитида ислохотлардаги яратувчилик фаолияти, суверен давлат келажагини таъминловчи муҳим омиллиги билан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлайдики, “Бугунги кунда катта умид, орозу мақсадлар билан, Ватаним тараққиётига ҳисса қўшаман, деб белини маҳкам боғлаб майдонга чиқаётган, азму шижоатли ёшларимизни ҳар томонлама қўллаб қуватлаш барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки бурчимизга айланиши керак.”

Ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишнинг демократик ислохотлардаги ўрнининг назарий методологик асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти нутқлари, асарлари, фармон ва қарорлари ташкил қилади. Ёшларнинг ижтимоий қатлам сифатида мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар қўламини кенгайтиришдаги ва ислохотлар жараёнининг барча соҳаларни қамраб олишидаги ўрнига эътибор қаратилди. Масалага бундай ёндашув уларнинг мамлакатни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқиш концепциясининг амалга оширишдаги фаол ўрни, мамлакатимизда демократик ислохотларнинг чуқурлашиши жараёнидаги фаолияти билан ҳам изоҳланади. Демократик ислохотларда ёшлар иштирокини таъминлашда, ижтимоий ҳамда маънавий камол топиши учун шарт-шароит яратишга беришга қаратилган сиёсат ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Мустақил ривожланишнинг дастлабки боқичида, яъни 1991 йил 20 ноябрда “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди. Ёшларга оид сиёсат Ўзбекистон Республикаси давлат фаолиятининг устувор йўналиши бўлиб, унинг мақсади ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидори жамият манфаатлари йўлида имкони

борича тўла-тўқис рўёбга чиқиши учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни қафолатлашдан иборатдир. Мустақиллик йилларида республика-мизда ёшларга тааллуқли 10 дан ортиқ конунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30 дан зиёд фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 40 дан ортиқ қарорлари қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати қуйидаги қоидаларга асосланади:

- миллати, ирқи, тили, дини, ижтимоий мавқеи, жинси, маълумоти ва сиёсий эътиқодидан қатъи назар, ёшлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш;
- ёшларни ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш;
- миллий, маданий анъаналарнинг авлоддан-авлодга ўтиши, авлодларнинг маънавий алоқаси;
- ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ёшлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва конунлари доирасида ўз манфаатларини амалга ошириш йўллари эркин танлай олишларига қафолат бериш;
- жамиятни ривожлантиришга, айниқса республика ёшлари ҳаётига оид сиёсат ва дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда ёшларнинг бевосита иштирок этиши;
- ҳуқуқ ва бурчларнинг, эркинлик ва фуқаролик масъулиятининг бирлиги.

Демократик ислохотлар фаол иштирокини таъминлашда муҳим ўрин эгалловчи, яъни ёшларни ҳуқуқий муҳофаза қилишга алоҳида эътибор берилди. Ёшларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш давлат ва жамоат ташкилотлари, бирлашмалар ва корхоналарнинг ёшларга нисбатан ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган вазифаларини, шахснинг кадр-қимматини оилада, меҳнат ва ўқув жамоасида, турар жойда ҳимоя қилишдан иборатдир. Айниқса, ёшлар орасида одоб-ахлоқни бузишга, шу жумладан зўравонликни, ҳаёсизликни ва шафқатсизликни ташвиқот қилишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар ман этилиши ҳам бевосита демократик ислохотларнинг чуқурлашуви, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш билан боғлиқдир.

Шу муносибат билан қайд қилиш лозимки, мустақиллик йилларида ёшларнинг таълим соҳасидаги ҳуқуқлари тўлиқ рўёбга чиқарилди. Узликсиз таълимнинг барча бўғинларидан бепул фойдаланиш имконияти яратилди. 1997 йил 29 августда “Таълим тўғрисида”ги конун, айни пайтда

* Қодиров Н.Н. – ТДИУ Маънавий маърифий ишлар бўйича проректор.

кўлами, қамрови ва мақсадларига кўра тарихий аҳамият касб этадиган “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” қабул қилинди ва таълим жараёнига жорий қилинди. Ёшларнинг дастлабки ижтимоий фаоллик куртаклари таълим муассасасида, мактабдаги ўқиш жараёнида кўзга ташланади. Шунинг учун ҳам ўқувчилар ва талабаларнинг ўқув-тарбия муассасалари маъмурияти билан ўзаро муносабатлардаги ҳуқуқ ва бурчлари қонун ҳужжатларида, шунингдек тегишли муассасалар ва ўзини ўзи бошқариш идораларининг қарорларида белгилаб қўйилган.

Мустақиллик йилларида замонавий таълим ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш тизимида туб ислохотлар амалга оширилди. Таълим тизими шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техник ва маданий эҳтиёжларини таъминлайдиган устувор соҳа, деб эълон қилинди, янги турдаги ўқув юртлари - касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ташкил этилди. Олий ўқув юртларининг янги тизими шакллантирилди. Вилоятлар марказларида университетлар вужудга келди. Ривожланган хорижий давлатлар университетларнинг Филиаллари иш бошлади. Шу тарзда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг барча тармоқлари учун юқори малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлашга, ёшларни маънавий-ахлоқий ва ҳар томонлама ижодий ривожлантиришга йўналтирилган узлуксиз ўқув-илмий-ишлаб чиқариш таълимининг ноёб яхлит тизими шакллантирилди.

Малакали кадрлар тайёрлашга доир жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва дарсликлар ишлаб чиқилиб, жорий қилинди. Шунингдек, таълим жараёнида илғор педагогик технологиялар ва ўқитишнинг интерфаол усулларидан кенг фойдаланилиш йўлга қўйилди. Ушбу йўналишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 1 июлдаги фармонида асосан ташкил қилинган истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш “Истеъдод” жамғармаси ташкил этилди. Унинг фаолияти мамлакатимизда таълим тизимини янада такомиллаштиришга, ўқув жараёнига замонавий ахборот ва педагогик технологияларни жорий этиш, ёш педагоглар ва олимларнинг касбий билимлари ва кўникмаларини оширишга йўналтирилган. “Истеъдод” жамғармаси қошида Масофавий таълим маркази ташкил этилган бўлиб, бу ерда дунё стандартлари талабларига мос масофавий тарзда малака ошириш тизими яратилган. Ушбу тизим фаолияти хорижий мамлакатларнинг етакчи олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон майдонидаги нуфузини ошириш, унинг ривожланган мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши кўп жиҳатдан ёшларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини юксалтиришга боғлиқ. Шу сабабли иқтидорли ёшларни аниқлаш ва рағбатлантиришга, ёш авлоднинг замонавий дунёқарашини, ижодий ва шахсий хусусиятларини миллий ва умуминсоний кадриятлар асосида шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Зулфия номидаги давлат мукофоти таъсис этилган бўлиб, унга

ўқишда, ижодий ва жамоат ишларида катта ютуқларга эришадиган қизлар муносиб қўрилади. Санъат соҳасидаги ютуқлари учун энг иқтидорли ёш раққосалар, мусикачилар ва хонандалар учун “Нихол” мукофоти таъсис этилган.

Ўзбекистондаги ёшлар сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири иқтидорли ёшларни илм-фанга кенг жалб этишдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендияларига ўқишда ва жамоат ишларида юқори натижаларга эришадиган талаба ёшлар, бакалаврият ва магистратурада ўқиётганлар сазовор бўлмоқда. Шунингдек, махсус стипендиялар таъсис этилган. Талаба ёшлар салоҳиятини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш борасидаги бундай ғамхўрлик ўз самараларини бераётир. Бу, жумладан, ҳар йили ўтказиладиган Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида ёш олимлар ва талабалар томонидан тақдим қилинадиган истиқболли янгиликлар сони тобора ортиб бораётганида яққол намоён бўлмоқда. Олий ўқув юртлари, биринчи навбатда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2016 йилда 990 мингга яқин янги иш ўрни яратиш мўлжалланаётганлиги бу борада республикамиз раҳбарияти тобора салмоқли ишларни амалга оширадиганлигини гувоҳидир.

Муайян ишлаб чиқариш корхоналари ва тармоқлар учун мақсадли равишда кадрлар тайёрлаш кенг қўлланилмоқда, ўқув юртлари, корхоналар ва ўқувчилар ўртасида уч томонлама шартномалар имзоланмоқда ва бу битирувчиларнинг келгусида иш билан таъминланишини кафолатлайди. Шу мақсадда касб-ҳунар коллежларининг иш берувчи корхоналар билан кооперация алоқаларининг бошқа шакллари билан ҳам фойдаланилмоқда. Мамлакатимизда ҳар йили минглаб янги иш ўринлари ташкил қилинади, бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши муҳим ўрин тутади.

Истеъдодли ёшларни давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилган. Давлат ташкилотлари ҳамда жамоат бирлашмалари, истеъдодли ёшларни аниқлашда ва уларнинг ижодий камол топишига ёрдам беради. Ана шу мақсадда фан ва техника, иқтисодиёт, бошқарув, санъат соҳаларида истеъдодли ёшларни излаб топишни, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни амалга оширишда давлат муассасалари, жамоат бирлашмалари ҳамкорликда иш олиб боради. Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш тадбирларини республика ва маҳаллий бюджетлар, ҳамда ҳомий ташкилотлар томонидан молиялаштириш йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги Ўзбекистон Республикасида Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастури эълон қилинди. Дастурда белгиланган тадбирларни бажариш мақсадида Ўзбекистон Ёшларлар уюшмаси томонидан ёш ижодкорлар учун

минтақавий “Истеъдод мактаби” семинарлари ташкил этилди. Шунингдек, Республика Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан Ёш мутахассислар Форуми ўтказиб келинмоқда. Ёшларнинг ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб камол топишга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлашга қаратилган мазкур Форумда 2013 йилда 10 дан зиёд йўналишларда турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган 100 нафарга яқин ёш мутахассис иштирок этган бўлса, 2014 йилда уларнинг камрови 16 минг нафардан ортиқни ташкил этди. Форум доирасида 20 дан ортиқ номинациялар бўйича “Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси” танловини ўтказиш анъанага айланди. Танловнинг Республика-тармоқ босқичига 210 нафардан ортиқ ёш мутахассислар йўлланма олиб, улар орасидан 1-, 2-, 3-ўринни эгаллаган 48 нафар ёш мутахассис Ёш мутахассислар III республика Форумида иштирок этди. Форум доирасида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ёш мутахассисларнинг янги инновацион ғоя ва ишланмалари ҳамда илмий кашфиётлари муносиб рағбатлантирилиб, амалиётга татбиқ этилишига қўмаклашилди. 2014 йилда “Ёш мутахассислар” Форуми доирасида Касаба уюшмалари Федерациясининг махсус Грантини қўлга киритган Тошкент ахборот технологиялари университети ассистенти Саида Бекназарова мазкур грант ёрдамида “Медиатаълим тизимининг моделлари, алгоритмлари ва дастурий комплексини яратиш” лойҳасини амалга оширишга эришди. Яна бир грант соҳиби, “Энг фаол ёш олим” номинациясида ғолиб бўлган Фанлар академиясининг Физика-техника институти катта илмий ходими Ойбек Абдулхаев кремний кристалларини термоградиентли тоблаш имконини берувчи қурилмани яратишга муваффақ бўлди.

Демократик ислохотлар даврида ёшларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш учун махсус тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш жисмоний, аклий, ахлоқий жиҳатдан камол топишини таъминлаш учун ёш фуқаролар ва уларнинг оилаларига бериладиган давлат кафолатлари мавжуддир. Ушбу мақсадда мамлакатимизда ёшлар учун бепул тиббий хизмат, бепул таълим олиш, спорт-соғломлаштириш ва маданий-маърифий муассасаларга имтиёзли шартларда қатнаш, рўзгор буюмлари сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар бериш, дастлабки меҳнат фаолияти учун иш жойи билан таъминланиш ёки амалдаги қонунларга мувофиқ моддий компенсация олиш ҳуқуқига эгадир. Шунингдек, ўқувчилар, талаба ёшлар ва вояга етмаган фуқаролар учун транспортда юриш имтиёзлари, вояга етмаганларга компенсация тўловларини кафолатловчи ижтимоий таъминланиш минимуми белгиланган.

Ўтказилаётган демократик ислохотларда

ёшлар фаоллигини оширишнинг муҳим омилларидан бири уларга мустақиллик даврида ёш фуқаролар ва ёш оилаларга ижтимоий имтиёзлар, жумладан: яқка тартибда уй қуриш учун ер ажратиш, уй-жой сотиб олиш, уй-жой қуриш кооперативларига аъзо бўлиш учун пай бадаллари тўлаш, ва бошқа мақсадларга узоқ муддатли кредитлар беришнинг механизми яратилди. Айниқса ёшларга кредитлар банклар томонидан кам фоиз олиш шarti билан берилиши улар ижтимоий фаоллигида муҳим роль ўйнамоқда. Ёшларнинг мамлакатимиз ижтимоий иқтисодий тараққиётидаги ўрнига алоҳид эътибор берилиб, ёш оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш, ёшларнинг жамоат уюшмалари ва уларнинг корхоналарини қўллаб-қувватлаш, фуқаро сифатидаги ташаббускорлигини рўёбга чиқаришга ёрдам кўрсатиш мақсадларида давлат-жамоат ижтимоий хизмати ривожлантирилди.

Ёшлар ижтимоий хизмати фаолиятида психологик-педагогик, тиббий-биологик, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, жисмоний нуқсонлари туфайли жуда ноқулай шароитда қолган ёш фуқароларга, ёш оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш, меҳнат ва ўқув жамоаларида ёшларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш йўлга қўйилди. Шунингдек, ёшларнинг жамоа бўлиб ва яқка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишларини қўллаб-қувватлаш ҳамда бу фаолиятни ривожлантириш, ёшларни ишга жойлаштириш, таълим олиш ва касбий тайёргарлик кўриш, бўш вақтни мазмунли ўтказиш, туризм ва спорт билан шуғулланиш соҳасидаги манфаатларини рўёбга чиқаришлари учун имкониятлар вужудга келтирилди. Ушбу йўналишда ёшларнинг яшаш жойларида ўз бўш вақтларини мазмунли ўтказишларини ташкил этишга қўмаклашиш ва ёрдам кўрсатиш тизими шакллантирилди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда ёшлар демократик ислохотларнинг чуқурлашувида, фуқаралик жамияти ривожига муҳим роль ўйнамоқда, шунингдек ушбу фаолият уларнинг жамиятдаги ижтимоий фаоллигини оширишга мунтазам эътибор бериш лозим. Мамлакатимизда ижтимоий, иқтисодий ривожланишнинг модернизациялаши мунособати билан, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш учун ҳуқуқий, ташкилий имкониятлар мунтазам такомиллаштирилишида фуқаралик институтлари иштирокини кенгайтириш мақсадга мувофиқ. Шунинг учун ҳам ушбу жараёнда ёшлар иштироки ижтимоий, иқтисодий аҳамият касб этувчи ислохотлардаги ёшларнинг фаоллиги фуқаралик жамияти ривожига ва демократик ислохотларнинг чуқурлашувида, муҳим омил ўринини бажаради.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодийетимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. – Халқ сўзи, 18 январь 2016 йил
2. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий

- саодатдир. – Тошкент: “Ўзбекистон,” 2015 – 235 Б.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. – 1992 йил, 2-сон.
 4. <http://fikr.uz> Демократик янгиланиш жараёнида ёшларга оид давлат сиёсатининг аҳамияти. – 21 октябрь 2015 йил.
 5. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. – 1992 йил, 2-сон.
 6. <http://uchildiz.uz>. Тўлқин Эшбек. Истеъдод мактаби. – 2015 йил 23 октябрь.
 7. <http://kasaba.uz>. Ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширишда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг иштироки. – 2015 йил 11 сентябрь.
 8. Олий таълим меъёрий ҳужжатлар тўплами. – Тошкент: “Шарқ”, 2001. – 3- 16 Б.

РЕЗЮМЕ

В статье рассмотрены актуальные вопросы повышения социальной активности молодежи в условиях углубления демократических реформ и исторических процессов. Автор изучил взаимосвязь вопросов социальной защиты молодежи и их участия в демократических реформах. В работе сделана попытка показать роль молодежи в социально экономическом развитии и модернизации страны в контексте развития гражданского общества.

Ключевые слова: независимость, молодежь, реформа, социальная активность, гражданское общество, право, экономика, развитие.

RESUME

In article it is investigated pressing questions of increase of social activity of youth in the conditions of deepening of democratic reforms and historical processes. The author has studied interrelation of questions of social protection of youth and their participation in democratic reforms. In work attempt to show a youth role in socially economic development and country modernisation in a context of development of a civil society is made.

Keywords: independence, youth, reform, social activity, a civil society, the right, economy, development.